

## ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВГА АСОСЛАНИШ

Жалолиддин Алишер ўғли Нуркулов

Гулистон давлат университети, Ахборот технологиялари факультети, Амалий  
математика ва информатика йўналиши, 3-босқич талабаси

**Аннотация.** Келтирилган ушбу мақолада информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитиш жараёнида компетенциявий ёндашувга асосланиш ҳақида тушунча ва тавсиялар берилган. Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишда компетенциявий ёндашувга асосланиш таълим самарадорлигини янада ошириш имконини беради.

**Калит сўзлар:** компетентлик, интернет, компьютер, маълумотни узатиш, конструктив, техника, инновацион технология.

### Аннотация

В данной статье представлены идеи и рекомендации по компетентностному подходу к обучению информатике и информационным технологиям. Компетентностный подход к использованию инновационных технологий в обучении информатике и информационным технологиям может еще больше повысить эффективность образования.

**Ключевые слова:** компетенция, интернет, компьютер, передача данных, конструктивная, техническая, инновационная технология.

### Annotation

This article provides insights and recommendations on a competency-based approach to teaching computer science and information technology. Competency-based approach to the use of innovative technologies in the teaching of computer science and information technology can further increase the effectiveness of education.

**Keywords:** competence, internet, computer, data transmission, constructive, technical, innovative technology.

Ҳозирги кунда ўқишда ҳам, ишда ҳам, кундалик фаолиятда ҳам компьютер техника воситаларига дуч келамиз ва буларсиз бугунги кунимизни тасаввур ҳам қила олмаймиз.

<https://conferencea.org>

Шундай экан ўқувчиларимизга информатика фанидан чуқур билим бериш, компьютер ва унинг бошқа техник воситаларидан тўғри ва оқилона фойдаланишга ўргатиш керак. Ўқувчилар эса зарурий ахборотга эга бўлиш, уларни излаб топиш, ундан кераклисини ажратиб олиш ва фойдаланишни ўрганиши керак.

Шу билан биргаликда ўрганилган билим, кўникма ва малакаларидан кундалик ҳаётларида учрайдиган муаммоларни ҳал этишда фойдалана олишлари учун шакллантирилиши зарур. Шунга кўра, бу вазифаларни таълим муассасида ўқувчиларни ўқув предметларини ўрганиш жараёнида зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга қилиш билан биргаликда уларни ҳаётий эҳтиёжларида қўллай оладиган ҳолда тайёрлаш керак. Бунинг учун компетентлик ёндошувга асосланган ҳолда ўқитиш керак.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим – ўқувчиларда эгалланган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълимдир.

Таянч компетенциялар:

Коммуникатив компетенция

Ахборот билан ишлаш компетенцияси

Шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси

Умуммаданий компетенциялар

Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси

Коммуникатив компетенцияси

Интернет бўйича ўрганган билимларини оғзаки ва ёзма тарзда аниқ ва тушунарли баён қила олиш, мавзудан келиб чиқиб саволларни мантиқан тўғри қўя олиш ва жавоб бериш; -синфда ўзаро мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш, жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш;

-мулоқотда суҳбатдош фикрини ҳурмат қилган ҳолда ўз позициясини ҳимоя қила билиш, уни ишонтира билиш;

-турли зиддиятли вазиятларда ўз эҳтиросларини бошқариш, бошқа ўқувчиларга нисбатан ҳурмат, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда зарур (конструктив) бўлган қарорларни қабул қила олиш.

Топшириқ: Интернетда маълумотларни излашнинг қандай усулларини биласиз ва санаб беринг.

Компетенцияни татбиқ қилиш усуллари

Коммуникатив компетенцияда гуруҳларга бўлиб ўқувчиларда интернет бўйича тушунчаларини ривожлантириш ва ундан тўғри фойдаланишни ўргатиш мумкин. Гуруҳ бўлиб ишлаганда ўқувчиларда мустақил мулоқот ва ўзаро фикр алмашиш

<https://conferencea.org>

вужудга келади.

Компетенцияни татбиқ қилиш усуллари.

Ахборот билан ишлаш компетенцияси болаларни, мустақил ўзи ахборот тўплаш, изланиш, кузатиш ва янги дарсга тайёрланиб келашга ўргатади. Бунинг учун янги мавзу бўйича олдиндан ўқувчиларга таянч иборалар ёки мавзу юзасидан саволномалар берилади. Ўқувчилар кўпроқ мустақил мулоқотда бўлиб, янги дарсга тайёрланадилар.

Шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси

Интернетга оид маълумотлар билан шахс сифатида ўзини ақлий ривожлантириш ва интеллектуал камолотга интилиш;

-ўз устида мустақил равишда мунтазам ишлай олиш;

-ўзини назорат қила билиш, ҳалоллик, тўғрилик, зарурий ахборотга эга бўлиш, уларни излаб топиш, ундан кераклисини ажратиб олиш каби сифатларга эга бўлиш;

-ўқиб-ўрганганлари ва ҳаёт тажрибасидан фойдаланган ҳолда кундалик турмушда учрайдиган муаммоларни ҳал эта олиш.

Топширик: “Мен севган касб” мавзуси бўйича маълумотларни изланг.

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси

Интернетни жамиятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушуниш ва уни бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорлигини ҳис этиш.

Топширик: Интернетдан бола ҳуқуқлари конвенцияси бўйича маълумот топинг

Компетенцияни татбиқ қилиш усуллари

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси асосан ўқувчиларда ёзма ишларни ечиш, тест саволларининг ечимини топиш, оғзаки саволларга жавоб бериш, ўз ҳуқуқларини билиш, кундалик ҳаётида учрайдиган ҳолатларда мулоқот қилиш, ўз фикрини билдириш, ўз билиминини баён эта олиши фаоллигини оширишга қаратилган дидактик ўйинлар технологиялари.

Умуммаданий компетенцияси

Интернетнинг умуминсоний ва миллий қадриятларимизга таъсирини билиш.

Топширик: Интернетдан миллий байрамларимиз бўйича маълумот топинг.

Компетенцияни татбиқ қилиш усуллари

Жамоада ва кичик гуруҳларда ишлаб, информатик терминларни тўғри талаффуз қилишни, АКТ изоҳли луғат билан ишлашни, миллий қадриятларимиз, миллий эртақлар ва ҳикоятлардан фойдаланишни ўргатади.

Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси

Интернетдага ахборотларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, режаларини туза олиш;

-кундалик фаолиятда керак ва зарур бўлган ахборотларни тез ва арзон ўқий олиш ва



улардан фойдаланиш.

Топширик: Интернетдан бугунги кун Об-ҳавоси тўғрисида маълумот олинг.

Компетенцияни татбиқ қилиш усуллари

Ўқувчининг ҳаёт тарзида уни қуршаб турган воқеа – ҳодисаларни ўрганиш, узоқни кўра олиш, мавжуд ахборотларни ҳаётга татбиқ эта олиш ва улардан тўғри фойдаланиш, қисқа муддатда ҳаётини масалаларни ечимини топа олишга ўргатиш. Жамиятда ўз ўрнини топишда, онгли қарор қабул қилиш, математик саводхонлик, янги техника янгиликларидан хабардорлиги, компьютерда ишлай олиш, оғзаки ва ёзма жавоб бериш тафаккурини ривожлантиришга қаратилган усул ҳисобланади.

Информатика фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишда компетенциявий ёндашувга асосланиш таълим самарадорлигини янада ошириш имконини беради.

## **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Д.Э.Абдураимов, А.Н.Адилов, Ж.А.Нуркулов “Таълимни рақамлаштириш шароитида педагогика ва психологиянинг муаммолари ва истиқболлари” мавзусидаги Юксак педагогик маҳорат соҳиби Омон Сувановнинг 80 йиллик юблейига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси материаллари 2022-йил, 6-7-май, Гулистон, Ўзбекистон 287-289 бетлар.
2. Абдураимов Д. Э. Описание алгоритмов важность программы Crocodile ICT //Вестник научных конференций. – ООО Консалтинговая компания Юком, 2019. – №. 4-3. – С. 8-9.
3. Абдураимов Д. Э. Ў., Абдурахманов О. Н. ОБЪЕКТ АЛОМАТ ВАЗНЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ОРҚАЛИ РЕЙТИНГИНИ АНИҚЛАШ МОДЕЛИ //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 21-25.
4. Абдураимов Д. Э. Ў., Норматова М. Н., Монасипова Р. Ф. ЛИБМАН ТИПИДАГИ ИТЕРАЦИН УСУЛНИ ЭЛАСТИКЛИК НАЗАРИЯСИ МАСАЛАСИГА ҚЎЛЛАШНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 15-20.